

Суд фирибгарлик ва пора беришга далолат этиш ҳаракатларини содир этган шахсни асоссиз равишда пора олиш жиноятининг субъекти деб топган.

Жиноят ишлари бўйича Яккасарой туман судининг 2003 йил 8 сентябрдаги ҳукмига асосан А. ЖК 210-моддаси 2-қисмининг «б» банди билан 5 йилга озодликдан маҳрум қилинган ҳамда унга нисбатан амнистия акти тадбиқ этилиб, тайинланган жазо муддати тўртдан бирига қисқартирилган.

А.дан 360.000 сўмни давлат фойдасига ундириш белгиланган, ашёвий далиллар 150 АҚШ доллари ва 50.000 сўм давлат фойдасига ўтказилган.

Суднинг ҳукмига кўра, А. қуйидаги ҳолатларда жиноят содир этганликда айбли деб топилган.

А. Яккасарой тумани Давлат солиқ инспекциясида катта инспектор лавозимида ишлаб келган даврда, 2002 йилнинг февраль ойида, «Риза-савдо» хусусий фирмаси раҳбари ў.га унинг фирмаси фаолияти тугатилишига ёрдам беришини айтиб, уни пора беришга ундаб 560.000 сўм пулини олиб, ўзлаштириб юборган.

ў. ўз фирмаси ёпилмаганлигини билиб, берган пулларини қайтаришни сўрагандан сўнг, А. унга 200.000 сўм пулни қайтариб берган ва 2003 йил 29 июль куни яна 100 АҚШ долларини қайтариб бераётган вақтда миллий хавфсизлик хизмати ходимлари томонидан ушланган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясининг 2003 йил 10 октябрдаги ажрими билан А.нинг ҳаракатлари ЖК 210-моддаси 2-қисмининг «б» бандидан 168-моддаси 2-қисмининг «а» бандига ҳамда 211-моддаси 2-қисмининг «б» бандига қайта квалификация қилиниб, ЖК 59-моддасига мувофиқ унга энг кам ойлик иш ҳақининг 300

баравари миқдорида жарима ва 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган. А. 2002 йил 3 декабрдаги амнистия актининг 2-моддасига мувофиқ жазодан озод қилинган, эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, қамокдан чиқарилган.

Ҳукмнинг А.дан 360.000 сўмни давлат фойдасига ундириш ҳақидаги қисми бекор қилинган, ашёвий далиллар 150 АҚШ доллари ҳамда 50.000 сўм ў.га қайтарилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги «Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 15-бандида айбдор пора берувчидан мансабдор шахсга бериш учун деб пора тариқасида пул ёки бошқа бойликларни олганда ва бундай қилмишни хоҳламасдан, уларни ўзлаштириб юборганда, қилмиш фирибгарлик деб тавсифланиши лозимлиги, бойликларни қўлга киритиш мақсадида пора берувчи улар томонидан пора беришга оғдирилган тақдирда айбдорнинг ҳаракатлари фирибгарликдан ташқари пора беришга далолатчи тариқасида қўшимча тавсифланиши кераклиги, пора берувчининг ҳаракати бундай ҳолларда пора беришга суиқасд деб тавсифланиши лозимлиги тушунтирилган.

Апелляция инстанцияси суди қонун ва Пленум қарорига асосан А.нинг ҳаракатларини ЖК 210-моддаси 2-қисмининг «б» бандидан 168-моддаси 2-қисмининг «а» бандига тўғри қайта квалификация қилган. Бироқ унинг ҳаракатини яна ЖК 28,211-моддаси 2-қисмининг «б» банди билан квалификация қилиш ўрнига тўғридан тўғри ЖК 211-моддаси 2-қисмининг «б» банди билан квалификация қилиб, хатога йўл қўйган.

Қайд қилинган Пленум қарорининг 17-бандида жабрланувчи пул талаб қилинганлиги ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилган бўлиб, тезкор тадбир давомида жабрланувчининг мулкидан пора

предмети тариқасида фойдаланилган бўлса, ушбу мулк Жиноят-процессуал кодекси 211-моддасининг 4-бандига асосан жабрланувчига қайтарилиши лозим, бошқа ҳолатларда у жиноят предмети ҳисобида суд ҳукми билан давлат эғалигига ўтказилиши лозимлиги кўрсатилган.

Апелляция инстанцияси суди қонун ва қайд қилинган Пленум қарорига зид равишда жиноят предмети бўлган А.дан олинган 100 АҚШ доллари ва ў.тергов органига «А. қайтариб берган» деб тақдим этган 50 АҚШ доллари ва 50.000 сўм пулни ў.га қайтариш ҳақида нотўғри хулосага келган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди раёсатининг 2004 йил 10 февралдаги қарори билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари протести қаноатлантирилиб, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясининг А.га нисбатан чиқарилган ажрими ўзгартирилган.

А.нинг ҳаракатларини ЖК 211-моддаси 2-қисмининг «б» бандидан шу Кодекс 28,211-моддаси 2-қисмининг «б» бандига қайта квалификация қилиниб, унга 28,211-моддаси 2-қисмининг «б» банди билан 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖК 59-моддаси тартибида энг кам ойлик иш ҳақининг 300 баравари миқдорида - 1.029.000 сўм жарима жазоси ва 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган ҳамда А. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 3 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 10 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармонининг 2-моддасига мувофиқ жазодан озод этилган.

Ашёвий далил ҳисобланган 150 АҚШ доллари ва 50.000 сўм давлат эғалигига ўтказилган.

22л-21/04-23-сонли қарор

